ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 128 (7. 217) ◉ 1990 йил 6 июнь, чоршанба ◉ Баҳоси 3 тийин

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съезди тўғрисида

АХБОРОТ

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съезди 5 июнь куни Тошкент шаҳрида ўз ишини давом эттирди.

Марказий Комитетнинг сиёсий маърузасини ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботини муҳокама қилиш юзасидан музокараларда Самарқанд вилоят партия комитетининг биринчи котиби П. М. Абдураҳмонов, Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашининг раиси Ҳ. Алимова, Наманган уйсозлик комбинатининг бошлиғи А. Икромов, Қашқадарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби А. Р. Отажонов, Андижон вилоят уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси Т. Р. Каримова, Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов, Тошкент вилоятининг Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози сут соғувчиси М. Исоқова, Хоразм вилоятининг Хива районидаги 20-болалар уйи директори В. Б. Пак, Сурхондарё вилояти Сариосиё район партия комитетининг биринчи котиби И. Суннатов, «Экономика и жизнь» журнали бош муҳаррири вазифасини ижро этувчи И. М. Хушев, Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони И. В. Фуженко, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи котиби А. Н. Носиров, Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари Тошкент шаҳар ижроия комитети соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Қ. Т. Ризаев, «Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. Ғ. Ғуломмаҳмудов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Съездда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов якунловчи нутқ сўзлади. У делегатлардан тушган бир қанча саволларга жавоб қайтарди.

Съезд Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ҳисобот давридаги ишини қониқарли, деб топди ва Марказий Комитетнинг кейинги вақтда ўтказаётган сиёсий йўлини маъқуллади.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съездига Марказий Комитетнинг сиёсий маърузаси, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Ҳаракат дастури, КПСС Устави лойиҳалари юзасидан резолюциялар қабул қилинди.

Съезд Ўзбекистон Компартияси тафтиш комиссиясининг ҳисобот маърузасини тасдиқлади.

Съезд делегатларининг бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисидаги масалага оид таклифи юзасидан резолюция қабул қилди.

Съезд Ўзбекистон Компартияси назорат-тафтиш комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. «Ўзбекистон Компартияси назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом» тасдиқланди.

Сўнгра съезд кун тартибидаги навбатдаги масалани кўриб чиқишга — Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва назорат-тафтиш комиссиясини сайлашга ўтди.

Бугун съезд ўз ишини давом эттирди.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИ, ДЎСТЛИГИМИЗ ВА ҚАРДОШЛИГИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК!

Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг коммунистларга, жумҳуриятнинг барча халқларига

МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар!

Мухтарам юртдошлар, ватандошлар!

Мамлакатимиз ғоят оғир аҳволни бошидан кечираётир. Қайта қуриш жараёни давом этмоқда, сийқа фикрлаш йўсинлари ўзгармоқда. Босиб ўтган тарихимизни ақл тарозусига солиб, янгидан идрок этмоқдамиз. Бизнинг, барчамизнинг орзу ниятимиз, армонимиз муштарак. Яъни ҳаммамиз турғунликнинг чангалидан тезроқ қутулиб, ўз-ўзлигимизни таниб, бугунги ва келажак авлоднинг шаъни шавкатига муносиб инсон бўлиб яшаш иштиёқи билан тўлиб-тошганмиз. Биз осойишталикни, тинчликни, эзгулик ва бахт-саодатни, ҳар бир хонадоннинг обод ҳамда фаровон бўлишини орзу қиламиз. Бу орзуларимиз бугунги кунда илк куртакларини кўрсатаётир. Секинлик билан, машаққат билан бўлса-да, жумҳуриятимиз иқтисодиёти ўзини ўнглаётир. Қишлоқ аҳлига ер ажратилмоқда. Оналарга, бева-бечораларга, ёш болаларга-ю, ногиронларга, барча ветеранларга, талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш бошланди. Ўн минглаб уй-жойлар қурилаётир. Қадимий жаҳоншумул маданиятимиз бутун борлиғи ва иқтидори билан қайта тикланмоқда. Унутилиб кетган, ман қилинган байрамлар ва анъаналар халққа қайтариб берилмоқда, одамлар қалбида ишонч, меҳр-муҳаббат, шафқат уйғонаётир.

Ўзбекистон Коммунистик партияси сайловолди ҳаракат дастурининг бажарилишини ҳеч ким тўхтата олмайди. Жумҳуриятимиз гуллаб турган, фаровон, бағри тинч макон бўлажак. Зеро, барчамизнинг орзу-армонимиз ҳам шундан иборат-ку! Лекин бу армонларнинг ушалиши учун ягона бир шарт бор. У ҳам бўлса, одамлар орасидаги дўстона, инсоний муносабат, халқлар биродарлиги, миллату элатларнинг тўла тенг ҳуқуқлилигидир.

Бироқ минг афсуски, айнан ана шу ниятларнинг амалга ошишини хуш кўрмайдиган кучлар мавжуддир. Дўстлигимизга раҳна солувчи иллатлар бор. Уларнинг мақсади халқларимиз ўртасига нифоқ, парокандалик солиш, номлари эса миллатчилик ва шовинизмдир.

Одам боласининг бағри-дилини қон қилувчи сўзлар булар! Дунёда ўзаро ноаҳилликдан, манманлик ва ўринсиз гина ва кудуратлардан кўра хавфлироқ нарса йўқ.

Жумҳуриятимизнинг азиз фуқаролари! Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди сизларга мурожаат қилади. Миллатчилик ва шовинизмга қарши одамлар ўртасида адоват уруғини сочувчиларга қарши тинмай курашингиз, уларни бартараф этинг, юртдошларимиз осойишталигини таъминлаш учун яқдил бўлинг. Афсуски, бу осойишталик баъзи жойларда бузилди, одамларда ҳадик ва қўрқув ҳислари пайдо бўлди. Натижада аҳолининг ҳаловати бузилиб, ҳаёт маромидан чиқа бошлади.

Биз, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегатлари,

Сиз коммунистларга мурожаат этамиз!

Халқлар орасига нифоқ солувчиларга қарши курашда дадил, бир сўзлик, шижоаткор бўлингиз. Ҳамиша халқ орасида, ҳамиша халқ билан мулоқотда бўлинг, КПССнинг ҳозирги миллий сиёсатини ва саъй ҳаракатларини сабр-тоқат ва далиллар билан тушунтиринг. Меҳнатингизда, жамоат ишларида, халқ хизматида доим намуна бўлинг. Совет байналмилалчилигининг асл, эзгу моҳиятини асраб қолиш учун куч-ғайратингизни, билимингизни аяманг!

Жумҳуриятимиз ишчилари!

Сизга мурожаат қилаётирмиз. Барча миллатлар, эллар, элатлар ишчиларининг синф сифатида тақдирдош эканлигини ёддан чиқарманг. Миллатларнинг орасини бузмоқчи бўлганларга зарба беринг. Ахир меҳнат деган тушунча барча халқлар тилларида ҳам бир маънони англатади. Русча ёки ўзбекча, қозоқча ё тожикча, корейсча ё татарча меҳнат бўлмайди. Меҳнат, пешона тери тўкиш ўз табиатига кўра барча миллат ва халқлар учун бир хил байналмилал тушунчадир.

Сизларга мурожаат қиламиз, азиз ва заҳматкаш қишлоқ аҳли!

Табаррук тупроғимизнинг неъматларини, фаровонликни сизларсиз тасаввур этиш сираям мумкин эмас. Дастурхонимизда турган насибамиз — нонимиз сизнинг туҳфангиз. Ундан баҳраманд бўлаётганлар кимлар, қайси миллат вакили эканлигининг аҳамияти йўқ. Аммо у ким бўлишидан қатъи назар қадоқ қўлларингизни ўпиб, тавоф қилиши муҳимдир. Шунинг учун ҳам бободеҳқон деган муқаддас номни бундан буён табаррук тутайлик.

Муҳтарама аёлларимиз, оналаримиз, опасингилларимиз!

Сизга ҳам қалб даъватимизни изҳор этмоқчимиз. Миллатчилик, шовинизм сингари мараздан болаларингизни, ака-ю укаларингизни, турмуш ўртоқларингизни асраб қолишга астойдил интилинг. Инсон боласи борки, у онадан дунёга келади. Барча халқларнинг умумий номини биз одамизод деб атаймиз. Сиз одам зотининг меъмори ҳисобланасиз. Сиз учун бегона, ўгай фарзанд бўлиши мумкин эмас. Барча болалар оналар жигарининг бир парчасидир. Барча оналар фарзандларини оқ сут бериб ўстиради.

Муҳтарам оқсоқолларимиз!

Болаларингизга, набираларингизга уқтиринг. Урушда ва кейинги оғир йилларда ҳам турли миллат вакиллари аҳил яшаган эдилар-ку! Ўша пайт бир майизни ҳам бўлиб еган ватандошларимизга дўстликдан ортиқ бойлик бўлмаганлигини фарзандларимизга қайта-қайта эслатинг!

Қадрли ёшлар, талаба аҳли!

Ёшни улуғлардан сўраб кўрингчи, сизлардан аввал улар қандоқ яшашган экан? Айрилганни айиқ, бўлинганни бўри ер деганлар. Ахир аҳил бўлиб яшашга нима етсин. Қариларимиз биродарликнинг қадрини яхши биладилар! Сизнинг соғлом фикрингизга ваҳшат соясини солгувчи кимсаларнинг ичлари қора, ниятлари бузуқдир. Ёшликка дўстлик, аҳиллик ярашади. Буни сира унутманг!

Фан, маданият, санъат вакиллари! Зиёли ўртоқлар! Сизларга мурожаат қиламиз!

Шуни унутмангки, зиёли деган ном нур манбаи деганидир. Сиз халқнинг виждони, элнинг овози ҳисобланасиз. Зиммангиздаги буюк масъулиятни сира ҳам унутманг. Бир оғиз ноўрин сўз, ўйламай ташланган қадам қандай оқибатларга олиб келиши сизга аёндир. Маданият, тил, урфу одатларга, инсоният анъаналарига посбонлик қилинг, айни чоғда халқларни тотувчиликка чорланг!

Биз, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди делегатлари яқиндагина жумҳуриятимиз Президентининг юртдошларимизга мурожаатида янграган чуқур изтиробли қалб туғёнини теран тушунамиз ва уни қўллаб-қувватлаймиз. Фарғона, Паркентда юз берган машъум воқеалар туфайли ҳалок бўлганларнинг хотираси олдида бош эгамиз. Шу воқеаларнинг асл ташкилотчиларига халқимизнинг лаънатлари ёғилсин! Бу бузғунчилар абадий тавқи-лаънатга дучордирлар!

Нифоқ ва тарафкашликдан ким обрў топибди? Ўйлаб кўринг.

Ёлғизлик, танҳолик инсон дилини исканжага олади. Буни ҳам унутманг!

Биз бошимизни баланд кўтариб баралла, бор овоз билан доимий бор ҳақиқатни яна бир карра такрорлаймиз:

Ўзбек халқи азалдан олижаноб, улуғ қалбли, очиқ кўнгилли, дўстпарвар эди, ҳозир ҳам шундайдир. Халқимиз бундан буён ҳам шу фазилатларимизни эгаси бўлиб қолаверади.

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди минбаридан туриб, 20 миллионли жумҳуриятимиз аҳлига мурожаат этамиз. Ҳонадонларимизда осойишталик барқарор бўлишини таъмин қилайлик, жумҳуриятимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат вакилларининг инсоний дўстлигига, яқдиллигига эришайлик. Биз Ўзбекистонимизни дўстлик жумҳурияти деб эълон қиламиз. Келинг, барчамизга насиб этган катта хонадонимизда дўстлик ҳамиша бор бўлсин. Иттифоқимиз парокандаликка юз тутмай, тобора мустаҳкамланиб, камол топаверсин!

СЪЕЗД КУНДАЛИГИ

4 июнь куни Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг сиёсий маърузаси юзасидан музокаралар бошланди. Бухоро вилоят партия комитетининг биринчи котиби **Д. С. Едгоров** биринчи бўлиб сўзга чиқди.

Қарашлар ва фикрларнинг ўзаро кураши, сиёсий мунозаралар ва баҳсларнинг авж олиши бу галги ҳисобот ва сайловларнинг ўзига хос хусусиятидир, деб таъкидлади у. Масалан, Бухоро вилоят партия конференциясининг ва Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг барча делегатлари, вилоят партия комитетининг аъзолари қуйи бўғинларда фақат вакиллик нормасига мувофиқ сайланди. Партиялилар оммаси ўзининг ҳақиқий раҳбарларини ўзи танлаб олди.

Бироқ бу ерда бошқача кайфиятларга ҳам дуч келинди, бунга муросасозлик билан қараб бўлмайди, деди нотиқ. Бунда мен демократик платформа деб аталган оқимга хайрихоҳлик билан қаровчи баъзи коммунистларнинг ва ҳатто айрим бошланғич ташкилотларнинг позициясини назарда тутаяпман. Улар сирти ялтироқ шиорлар, жимжимадор иборалар ортидан демократик платформанинг ҳақиқий моҳиятини ва бузғунчилик йўналишини пайқаб ололмаганлар. Бу оқимнинг мақсади партияни ичдан парчалашдан иборат. Демократик платформа мафкурачилари ҳокимият жиловини қўлга киритиб олишга зўр бериб уринмоқдалар. Бунинг оқибати тартибсизлик ва сиёсий чигаллик бўлиб чиқади.

Умуман, вилоятда, барча партия ташкилотларида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури ва КПСС Устави лойиҳалари қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан жумҳурият ҳукуматининг кўраётган чора-тадбирлари неча ўн йиллар давомида афкор оммани ташвишга солиб кедаётган, газак олиб кетган касалликлардан халос этишга қаратилган. Ҳукуматнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, айниқса пахта ҳарид нархларини адолат юзасидан қайта кўриб чиқиш йўлидаги азму қарори, кам даромадли ва кўп болали оилаларга, аёлларга, ветеранларга, ногиронларга, студентларга ва бошланғич синфларнинг ўқувчиларига ижтимоий ёрдам бериш юзасидан амалга оширилаётган режа маъқуллаб кутиб олинди. Бу тадбирлар ижобий натижалар бермоқда. Жумҳурият Компартияси вилоят комитети билан Марказий Комитети ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳақида икки оғиз сўз. Шу муносабатларнинг форма ва мазмуни янгиланиш жараёнларига қараб ўзгариши лозим. Марказий Комитет билан вилоят комитетининг ҳуқуқ доирасини аниқ фарқлаб қўйиш зарур.

Нотиқ съезд делегатларини ишда вужудга келган сийқа усуллардан воз кечишга чақирди. Съезд танқидий руҳ ва таҳлилни ўзгартирмай, бутун куч-ғайратни жумҳурият турмушининг барча соҳаларида вужудга келган вазиятдан қутилиш йўлларини излашга қаратса, тўғри бўлур эди.

Д. С. Едгоровнинг фикрича, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иши қониқарли баҳога лойиқдир.

Қорақалпоғистон вилоят партия комитетининг биринчи котиби **С. Д. Нметуллаев** Ўзбекистон Компартиясининг коммунистлар сафлари бирлигини сақлаб қолишга қаратилган қатъий йўлини қўллаб-қувватлаб, жумладан, қуйидагиларни таъкидлади:

Жумҳуриятда, айниқса кейинги йилда, муайян ижобий ўзгаришлар рўй берди ва рўй бермоқда. Марказий Комитет ва унинг бюроси фаолияти тобора анча аниқ мақсадни кўзлайдиган тус олмоқда. Шу босқичда асосий масалани топа билиш, коммунистлар ва партиясиз ларнинг куч-ғайратларини долзарб вазифаларни ҳеч кечиктирмай, аниқ бажаришга сафарбар этиш маҳорати Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастурида яққол намоён бўлди.

Айни вақтда рўй берган миллатлараро жанжаллар ва узоқ йиллар давомида йиғиниб қолган чигал ижтимоий-иқтисодий муаммолар тезроқ, баъзан янгича усулда ҳал этилиши лозим. Турли музофотлардаги кескин вазиятларнинг оқибатларини эмас, балки сабабларини янада чуқурроқ таҳлил этиш, эҳтиёт чораларини тезроқ ишлаб чиқиб, амалга ошириш лозим.

Бошланғич партия ташкилотининг мавқеини тубдан ўзгартириш натижасидангина партиядаги қайта қуришнинг чинакам муваффақиятига эришиш мумкин. Бироқ Марказий Комитетнинг фаолиятида партиянинг мана шу асосий бўғинига эътибор бироз бўшашганлиги сезилмоқда.

Нотиқнинг фикрича, автоном жумҳурият партия ташкилотининг ҳуқуқлари ва мустақиллигини кенгайтириш масалалари пишиб етилган. Айни вақтда биз Қорақалпоғистон АССР аввало Ўзбекистоннинг ажралмас қисми эканини бир дақиқа ҳам унутмаймиз. Кейинги йилларда Марказий Комитет, кўпгина жумҳурият идоралари томонидан Қорақалпоғистоннинг муаммоларига кўпроқ эътибор берила бошланди.

Бироқ музофотдаги вазият тобора мушкуллашиб бормоқда, шу сабабли ҳозир кўрилаётган чора-тадбирлар етарли эмас. Бунинг устига бир қанча министрлик ва идоралар ҳамон автоном жумҳуриятнинг талаб ва эҳтиёжларига нигоҳ ташлаётганлари йўқ. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлик гуруҳининг ишини қайтадан тиклаш мақсадга мувофиқ бўлур эди, бу гуруҳ турли идораларнинг куч-ғайратларини мувофиқлаштириш, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарорларини бажаришда аниқ ёрдам бериш учун анчагина иш қилган эди.

Экология фалокатининг қоқ марказида турган Қорақалпоғистон АССР Ўзбекистон халқ хўжалиги системасида алоҳида иқтисодий зона тарзида ажратилиб унга саноатни, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини, ижтимоий соҳани устун даражада ривожлантиришни таъминлайдиган тегишли мавқени белгилаш лозим.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг раиси **О. Ё. Ёқубов** сўзга чиқди.

Ҳеч бир жумҳуриятда ва мамлакатда яқин ўтмишда Ўзбекистонда таркиб топганидек, ўз миллий кадрларига бу даражада менсимай қараш, уларни бу даражада ерга уриш содир бўлмаган. Кейинги 5-6 йил давомида ўз хизматидан ҳайдалган маҳаллий кадрлар ўрнига мамлакатимизнинг турли жабҳаларидан юзлаб раҳбар ходимлар келишди. Бугунги кунда бу кадрлар ишига баҳо бериш вақти келди. Бу кадрларнинг энг адолатли, энг яхшиларн ҳамон ишлашмоқда. Буни тан олмаслик ҳам адолатсизлик бўлур эди. Жумҳуриятимизда илгаридан яшаб, ўзбек тилини меҳр билан ўрганган, қайғуда ҳам қувончда ҳам халқимиз билан ёнма-ён бўлиб, халқимизнинг ҳурмат-эҳтиромини қозонаётган бошқа миллатларнинг кўпгина вакиллари бор. Ҳозирги вақтда бизга ишга келган раҳбарлар ана шу кишилардан ўрнак олсалар арзийди.

Қайта қуриш даври биз учун осон кўчмаганини, фақат сўнгги вақтда биз аниқ ижобий ўзгаришлар бўлганини ҳис этганлигимизни тан олиш лозим.

Ўтмишда адиблар ҳам кўп мушкулотларни бошдан кечирдилар. У даврда адабиёт ва санъатдан фақат бир нарса талаб қилинар, у ҳам бўлса бизнинг мамлакатимизда ҳеч қандай нуқсон йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, дейилган талаб эди. Шунга қарамай, ўша оғир ва мураккаб даврларда ҳам ҳақиқатни айтган, дадил ва ўткир асарлар яратган ёзувчилар бўлди.

Бугунги кунда эса шуни дадил айтиш мумкинки, адабиётимиз турғунлик даври уйқусидан уйғонди. Халқ ҳаётини, унинг муаммоларини ҳаққоний акс эттирувчи янги асрлар яратилмоқда. Жумҳурият ёзувчилар уюшмасининг газета ва журналлари кўплаб нусҳада чоп этилмоқда ва севиб ўқилмоқда.

Партия Марказий Комитети тарихимизга, маданий меросимизга принципиал жиҳатдан янгича баҳо бермоқда, Абдулла Қодирий ва Чўлпон, Фитрат ва Усмон Носир сингари санъаткорларнинг номлари тикланмоқда. Алишер Навоий, Улуғбек, Бобур, Машраб, Фурқат ва бошқа буюк аждодларимизнинг хотирасини тиклаш ва абадийлаштиришга оид қарорларни халқимиз фахрланиб кутиб олмоқда. Миллий ифтихор эса — миллатчилик эмас, балки ўз ўлкаси, тили, тарихига меҳр-муҳаббатни тарбиялашдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муаммосига келганда, бунда муқаррар қийинчиликларга дуч келамиз, ўз манфаатларимизни ҳимоя қила олишимиз керак. Марказ бозор сиёсатига ўтиш ғоясини ўртага қўйиб, жумҳурият мавқеидаги фарқни, қайси жумҳурият қанча ҳисса қўшаётганлигини ва умумий қозондан нималар олинаётганини ҳисобга олмаяпти. Жумҳурият раҳбарлари бу масалалар адолатли тарзда ҳал этилиши учун кўпгина ишлар қилмоқдалар. Бунда биз уларга ҳар томонлама мадад беришимиз лозим.

Самарқанддаги «Кинап» заводи парткомининг котиби **Г. С. Парняева** ўз нутқини партиядаги ички ўзаро муносабатларнинг мураккаб муаммоларига бағишлади.

КПСС янги устави лойиҳасида партиянинг негизи сифатида бошланғич партия ташкилоти тўғрисидаги ғоя ҳужжатлар билан мустаҳкамланиб берилган. Партиялилар оммаси ҳокимиятни эълон қилинади. Бироқ, узоқ йиллар давомида кўпгина оддий коммунистлар «юқори»да қабул қилинган қарорларни итоатгўйлик билан маъқуллашга одатланиб қолдилар. Партиянинг раҳбар идоралари эса оддий коммунистлар билан унчалик маслаҳатлашмай, қарорлар қабул қилишга кўникиб қолдилар.

Барча даражалардаги сайлаб қўйиладиган органлар аъзолари фаоллигини ошириш ва уларнинг мавқеини қайта англашдан иборат мураккаб вазифани ҳал этиш лозим. Уларнинг кўпчилиги учун район, шаҳар комитетларининг аъзолари бўлиш одамлар билан сиёсий ишлар олиб бориш вазифаси бўлмай, балки фақат фахрли ишдир. Бу эса ўз навбатида бугунги кундаги энг асосий вазифалардан бири — партия раҳбар органларининг бошланғич партия ташкилотлари билан алоқаси тўғрисидаги вазифани ҳал этишга имкон бермайди. Сайлаб қўйиладиган органлар аъзолари ва съезд делегатларининг масъулияти ҳамда мавқеини ошириш учун уларнинг мақомини ишлаб чиқиш зарур.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съездида.

ЎзТАГ сурати.

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди

СЪЕЗД КУНДАЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Партия ички турмушининг энг муҳим масалалари хусусида оддий коммунистларни хабардор қилмай туриб, қандай қилиб партиялилар оммаси ҳокимиятини қарор топтириш мумкин? Масалан, КПСС Марказий Комитетининг «принципиал негизда бирлашиш учун» деган хати ғалати таассурот уйғотди. Агар пленум ўтказилмаган бўлса, нима учун КПСС Марказий Комитетининг хати юборилди. Кўпчилик бу хатни КПССнинг ҳаракат дастурини қўллаб-қувватламаётган бошқача фикрловчилардан халос бўлишга даъват деб тушунди.

КПСС XXVIII съездига Ўзбекистондан делегатларга қуйидаги наказни беришни истардик: съездда КПССнинг бўлинишига йўл қўймаслик учун имкони бўлган барча ишларни қилингиз. Чунки бу нарса партия учун ҳам, жамият учун ҳам фалокатли бўлур эди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи котиби **А. И. Фозилбеков** сўзга чиқади. **(А. И. Фозилбеков нутқи ушбу саҳифада эълон қилинмоқда).**

Ихтисослаштирилган «Қаршистрой» қурилиш бирлашмасига қарашли «Қаршинрмонтаж» трести ҳузуридаги 1-махсус кўчма механизациялашган колонна электр монтажчилар бригадаси бошлиғи **Р. Рўзиев** съездда сўзга чиқиб, қуйидагиларни таъкидлади: неча ўн минглаб чўлқуварлар байналмилал жамоасининг шунга ишончи комилки, мамлакатни ҳозирги танг вазиятдан янгиланган социализм марраларига олиб чиқадиган яккаю ягона куч КПССдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташаббуси билан ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни соғломлаштириш учун жумҳуриятда туркум тадбирлар амалга оширилди. Шу боисдан ҳам жумҳуриятнинг истиқболи ишончли қўллардадир, деб ишонамиз.

Яқинда, яъни бирлашмада Буюк Ғалабамизнинг 45 йиллиги байрам қилинаётган куни 250 нафар уруш қатнашчиси идорамизга йиғилди. Жумҳурият Президентининг фармонига кўра, «Қаршистрой» маъмурияти, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари аксарият ветеранларга жами қиймати 1 миллион сўмдан ҳам кўпроқ бўлган уй-жойни текинга бердилар.

Аммо ҳар қалай чўлқуварлар олдида ёшларни тарбиялаш, барчани иш билан таъминлашдек муаммо турибди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш режаси жамоада батафсил муҳокама қилинди. Пировардида бу зарур чорадир, деган хулосага келдик. Лекин янги шарт-шароитга ўтиш учун ўрнини қоплайдиган ишончли кафолотлар қабул қилиниши шарт. Мазкур муаммо умумхалқ муҳокамасидан ўтказилиши даркор.

Бундан ташқари, иқтисодиётимизни қайта қуриш юзасидан жумҳурият режасини ҳам тузиб чиқиш керак.

Тошкент вилоят партия комитети котиби **Ш. Н. Маҳмудова**га сўз берилади. Нотиқнинг фикрича, Тошкент вилоятининг коммунистлари ҳисобот даврига бир хил баҳо беришаётгани йўқ. Қайта қуриш йиллари жумҳурият ҳаётидаги кўпгина салбий ҳодисаларни бартараф этишга ёрдам берди. Аммо шунга қарамасдан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин ўтган давр Компартия ва бутун жумҳурият тарихида жуда машаққатли давр бўлди. Порахўрлар, талон-тарож қилувчилар, рибохўрлар, унсурлар билан бир қаторда ҳеч бир гуноҳи бўлмаган кўпгина кишилар, ҳалол раҳбарлар ҳам азият чекдилар.

Эндиликда шу нарса равшанки, партия комитетларининг халқнинг кундалик эҳтиёжларидан узилиб қолганлиги, яхлит пухта ўйланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг йўқлиги шунга «ёрдам» бердики, кўпчилик учун Фарғона фожиаси, Бўка ва Паркентдаги воқеалар кутилмаган эди. Гарчи бу воқеаларнинг ижтимоий-маиший илдизлари теран бўлсада, бир қараганда булар миллатлараро можародек кўринади. Лекин бунинг негизлари, аввало аксарият аҳолининг турмуш даражаси пастлигида, ишсизликда, одамларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этилмаганидадир.

Вилоят партия ташкилотининг коммунистлари иқтисодиётини соғломлаштириш, жамиятдаги ижтимоий кескинликни бартараф этиш, миллатлараро негиздаги можароларнинг олдини олиш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети жумҳурият ҳукумати сўнгги вақтда кўраётган тадбирларни батамом қўллаб-қувватлайдилар.

Ҳозир омма ўртасида олиб борилаётган мафкуравий ва сиёсий иш жуда муҳим аҳамият касб этмоқда. Афсуски, ҳозиргача ҳам қайта қуриш мафкурасининг аниқ-равшан режаси йўқ. Ҳатто бугунги кун учун йўл-йўриқлар белгилаб чиқилмаган.

Марказий Комитетнинг сиёсий маърузасида вилоят партия комитетларининг ўз муаммоларини ҳал этишида кенг мустақиллик беришга шайлик ваъда қилинган. Шунга қарамай, бизга Марказий Комитетдан юборилган қарорларда вилоят партия комитети аппаратининг тузилиши ва ходимларининг сони белгилаб берилган.

Шу муносабат билан Марказий Комитетнинг иш услуби тўғрисида гапирмоқчиман. Даврнинг руҳи, янги вазифалар туфайли иш услуби ҳам ўзгармоқда. Қоғозбозлик камайди. Халқчиллик кўпайди. Лекин туб қайта қуриш бўлгани йўқ. Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Комитети ташкилий-партиявий, мафкуравий иш соҳасидаги бой тажрибадан тўла-тўкис фойдаланмаяпти.

Фарғона чарм заводининг бригадири, байналмилалчи жангчи **Б. Т. Нурматов**нинг нутқи миллатлараро муаммоларга бағишланди. Миллатлараро муносабатлар масаласи, менимча, бутун мамлакатда энг жиддий масала бўлиб турибди, деди у. Тинч шароитда турмуш кечириш ва меҳнат қилишга ҳалақит бераётган кишилар пайдо бўлмоқда. Хўш, нима бўляпти, ўзи? Ўтган йили Фарғонада юз берган воқеалар ҳаммамизга маълум. Одамлар қурбон бўлди. Моддий зарарку қопланади, лекин ҳаётдан кетганларни қайтариб бўлмайди. Мана шу бўлиб ўтган воқеаларга шу кунга қадар тегишли баҳо берилмади. Марказий матбуот бир қанча асоссиз материаллар билан вазиятни янада чалкаштириб юборганини айтиб ўтиш керак. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳақиқий айбдорларни топишда ва жазолашда етарли фаоллик кўрсатишмаяпти. Баъзи воқеаларга нотўғри баҳо берилиши маҳаллий аҳолининг норозилигини келтириб чиқармоқда.

Ўзбек халқи азалдан байналмилал, пок, меҳнаткаш, меҳр-шафқатли халқдир. Жумҳуриятимизда ўзбек халқининг пок номига доғ туширувчиларга тегишли зарба берадиган, халқимизнинг шаънини, шуҳратини, бой анъаналарини ҳимоя қила оладиган соғлом кучлар мавжуд.

«Шарқ Юлдузи» журналининг бош муҳаррири **Ў. Ҳошимов**нинг нутқида аниқ-равшан таклифлар айтилди.

Инсоф билан айтганда, сўнгги пайтларда жумҳуриятимизда талафгина ишлар қилинаяпти. Кўп болали оилаларга нафақани ошириш, мактаб ўқувчиларини овқатлантириш, деҳқонга томорқа бериш, тил ҳақидаги қонун, одамларга виждон, дин эркинлиги берилганлиги — буларнинг барчаси халқ дилида эзгуликка умид туғдирмоқда. Бироқ, ҳали ҳам марказнинг зилдек юки елкадан босиб ётибди. Ўзбекистон ўз бойликларини ўзи тасарруф қилади, деган гап қоғозда қолиб кетяпти.

Шоир айтганидек, «Мен ёнмасам, сен ёнмасанг, у ёнмаса ким ёнади, ахир?» Жумҳурият қисматини ҳарчанд ташаббускор ва жонкуяр бўлмасин, ёлғиз Президенту, бош министр ҳал қила олмайди. Шундай масалалар борки, уларни рўёбга чиқариш учун ҳамма баравар ёнмоғи керак.

Бир қанча амалий таклифлар айтмоқчиман. Жумладан, съездимиз СССР Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош котибига, КПСС XXVIII съезди олдига «Ўзбек иши» деган ҳақоратли тамғани расмий равишда олиб ташлаш масаласини қўйиши зарур, деб ўйлайман. Гдлян ва Ивановлар гуруҳи ҳар бир бегуноҳ қамалган одамлар учун жавоб берсин. Модомики, иттифоқ ташкилотлари Оролни сақлаб қолиш масаласида амалий ишга ўтмаётган экан, Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон биргалашиб ҳаракат бошлашига тўғри келади.

Ўзбекистон суверен жумҳурият сифатида ўзининг миллий бойликларини тасарруф этишини қонунга эмас, амалда рўёбга чиқариш учун ҳаммамиз ёрдам берайлик. Баъзи иқтисодчилар таклиф этаётган бозор сиёсати тўқ-қиз миллионга яқин аҳолиси қашшоқ яшайдиган Ўзбекистонга мутлақо мос келмайди. Бундай сиёсат жумҳуриятимиз аҳволини оғирлаштириб қўйиши мумкин.

Хива районидан делегат сифатида яна бир таклифим бор: Хива яқинида Тошовуз канали ўтаяпти. Канал ишга тушса мамлакатимиздаги иккита музей-шаҳарлардан бири бўлган Хива қисқа фурсат ичида вайрон бўлади. 2500 йилдан буён жаҳонни лол қолдираётган, офатлару қирғинлардан омон қолган тарихий обидаларимиз бизнинг замонда ер билан яксон бўлади. Биз бу ишга бефарқ қарай олмаймиз — ғоят шошилинч чоралар кўриш, қардош Туркманистон билан баҳамжиҳатликда канал қурилишини тўхтатиш зарур.

Жиззах вилоятининг Мирзачўл районидаги Сегизбоев номли совхоз звеноси бошлиғи **Н. В. Стряшева** минбарга чиқади.

Районда ва вилоятда миллий муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериляпти: турли миллат вакиллари ўртасида мунозаралар, учрашувлар, суҳбатлар ўтказилмоқда. Маданият марказлари ташкил этилмоқда. Ўзаро делегациялар юборилиб тажриба алмашилмоқда. Кутубхоналарнинг миллий тилларда ёзилган китоблар фонди тўлдирилмоқда, кўриқда истиқомат қилаётган барча халқлар вакилларининг байналмилал туйғуларини ривожлантиришга ёрдам берувчи қадимий халқ анъаналари ва урф-одатлари тикланмоқда. Буни турли миллат кишилари меҳнат қилаётган бизнинг хўжалигимиз мисолида кўришимиз мумкин. Мен ўзим русман, совхозда у ташкил этилган кундан буён ишлаяпман. Менинг бутун ҳаётим қўриқ билан боғланган. Ҳозир ижарачиларнинг байналмилал жамоасига раҳбарлик қилаяпман. Бу жамоада руслар, украинлар, ўзбеклар, қозоқлар меҳнат қилишаяпти.

Айни пайтда, ҳатто бизнинг Мирзачўл районимизда ҳам қарийб 2000 одам, вилоятда эса 33 мингдан зиёд киши ишсиздир.

Халқ коммунистлардан жумҳуриятда тартиб ўрнатиш, партия, давлат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, топширилган иш участкаларқ учун коммунистларнинг масъулиятини оширш борасида қатъийроқ ҳаракатларни кутмоқда.

Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси бошқарувининг раиси **Б. Р. Қорнева** ўз нутқида маданиятнинг мураккаб муаммолари ҳақида гапирди.

Қайта қуриш даврида мамлакатимиз ва жумҳуриятимиз раҳбарларининг маърузаларида театр мавзуси тилга олинаётгани йўқ. Бу ҳақда гапиришаётгани йўқ. Мабодо сўз очилса ҳам театрлардаги сира чидаб бўлмас маънавий-психологик муҳит билан боғламоқдалар. Кимдир нимадандир, кимдандир норози. Албатта ва бунинг учун баҳона ҳам тайёр. Давлат театрларини қайтадан тузиш ҳамда театр-студиялар, истеъдодли одамларнинг рисоладагидек яшаши учун кафолотлар тўғрисида иқтисодчиларнинг, социологларнинг жиддий хулосалари зарур.

Масалан, «Илҳом» театр-студияси пайдо бўлди. Бу санъат даргоҳининг дастлабки муваффақиятлари собиқ бошлиқларни ҳижолатга қўйган эди. Эндиликда бу саҳна аҳли қайта қуришнинг биринчи сафларида бормоқда. Ҳозир давлат театрларининг обрў-эътибори тўғрисида, ўзбек артистининг обрў-эътиборини кўтариш ҳақида ўйлаш лозим. Дарҳақиқат, Москва, Ленинград, Новосибирск саҳналарини Раъно Каримова, Рустам Тўхлиев, Алла Оллабердиева сингари бизнинг артистларимиз безатиб туришибди-ку. Нега энди улар кетиб қолишди. Бунга қизиқувчилар бўлдими? Агар ўзимизнинг саҳнамиз бундан зарар кўрмаганда ёки санъаткорлар билан фахрлансак арзирди. Санъаткорнинг турмуши ҳақида ҳеч ким ғамхўрлик қилмаса ҳам иш ҳақи амал-тақал қилиб кун кўришга етса ҳам, актерлар жон-жаҳонларини тикиб саҳнага интиларадилар.

Фарғона ўзбек мусиқали драма театри ўн йилдан буён ўз биносига эга эмас, вилоят партия раҳбарлари эса театр фестиваль ғолиби бўлиб, Москвада, халқлар дўстлиги театри саҳнасида ўз санъатини ёрқин намойиш қилгандагина унга эътибор бера бошладилар. Қарши театр-студиясининг аҳволи жуда ночор бўлсада, Фламанд фестивалининг директори унинг спектаклини томоша қилиш учун бир кунга Қаршига учиб келганди. Наманган вилоят мусиқали драма театри ҳозир Москвада ўз санъатини намойиш қилмоқда, Бухоро кўғирчоқ театри эса ўз спектакли билан Польшада фестивални очмоқда. Бундан фақат хурсанд бўлиш керак. Бу театрлар диёримиздан анча нарида жумҳуриятимиз шарафини ҳимоя қилмоқдалар. Уларни қўллаб-қувватласак, улғайтирсак, кўп хайрли иш қилган бўлардик, бунга эса пул керак.

Аммо жумҳуриятимиздаги ўзгаришларни сезмаслик адолатдан бўлмас эди. Халқ турмушини яхшилашга қаратилган ҳар бир дадил ва қатъият билан кўрилган тадбир партиямизнинг анчагина путурдан кетган обрўсини аста-секин тиклайди.

Сирдарё вилоят партия ташкилотидан делегатлар, деди ўз нутқида вилоят партия комитетининг биринчи котиби **А. А. Айдарқулов**, жумҳуриятимизнинг бутун иқтисодиётидаги структуравий бузилишларни ўнглаб олиш учун даставвал махсус программа ишлаб чиқишни таклиф этмоқдалар. Шартли тарзда ушбу программани «структура» деб аташ мумкин бўлур эди. Марказий Комитетнинг ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан қайта сайланган комиссияси шу режанинг концептуал негизлари тўғрисида ўйлаб кўриб, сўнгра буни Министрлар Кенгашига тақдим этиши мумкин бўлур эди.

Энди бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисида гапирмоқчиман. И. А. Каримов маърузасида ССР Иттифоқи ҳукумати шошма-пошма кўраётга тадбирлар хусусида баён этилган таҳликани мен илғаб олдим. Бу таҳлика асосли, деб ўйлайман. Ахир, бизни ўз-ўзидан келиб чиқадиган тартибсизликлар қаърига ташлашмоқчи-ку.

Бозор ҳақиқатан ҳам зарур, албатта. Аммо нарх ислоҳотининг бунга нима алоқаси бор. Ахир, бозор жараёнида нарх белгиланиши керак-ку. Биз эса яна телбатескари иш қилмоқдамиз ва ишимиз юришиб кетади, деб ўйлаймиз. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш хусусида ҳукумат программаси юзасидан махсус резолюция қабул қилиш тўғрисида съездда баён этилган таклифни қўллаб-қувватлайман.

Об-ҳаво айниқса, хонадон соҳиби эшик-эликни ёпиб, кўр-қутни кўпайтиришга тушади. Биз ҳам озиқ-овқатни жумҳуриятдан нарига ташиб кетишни чеклаб тўғри иш қилдик. Лекин Министрлар Кенгашининг Тошкент шаҳрида паспортга қараб, савдо-сотиқ қилиш ҳақидаги қарори пухта ўйлаб чиқарилганмикин? Ахир, Москванинг аччиқ тажрибаси бор-ку. Янги қоидалар тўфайли шундай норозилик тўфони кўтарилиши мумкинки, уни тўхтатиш сира осон бўлмайди.

Жамиятни барқарорлаштиришга эришиш — бизнинг асосий мақсадимиздир. Буни ҳал этиш учун жамоатчилик фикрини тўлароқ ҳисобга олиш керак. Барча соғлом кучлар билан жипслашиш зарур.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг миллатлараро муносабатлар, тил ва байналмилал тарбия масалалари комиссиясининг раиси **П. Қодиров** нутқида бир қанча жиддий муаммолар ўртага қўйилди.

Миллатлараро муносабатлар ҳақиқатан ҳам биринчи даражали масалалардир. Меҳнаткаш халқнинг доимий интилиши тинчлик, муроса, биродарлик бўлиб келган. Уларни тўқнаштирадиган кучлар — бу ҳамиша таъмагир, амалпараст, ўз манфаатини халқ манфаатидан юқори қўядиган кучларнинг ишидир.

Тошкент — 2000 йиллик шаҳар. Урушдан олдин аҳолининг деярли 80 фонзи ўзбеклар эди. Ҳозир эса қаранг, ярмидан оз бўлиб қолган. Албатта, аҳолиси ўсган, ўзбеклар камайгани йўғу, мана шу нарсанинг ўзи чет элдаги мухолифларимизга ўша «руслаштириш» деган тамғани босиш имконини беряпти. Ейинки, Зарафшон ва Навоий шаҳарларига келиб ишлаётган одамларнинг ҳеч қайсиси жавобгар ёки айбдор эмас. Лекин бу ҳолат миллатлараро муносабатларда мушкулликларни келтириб чиқараяпти. Маҳаллий аҳоли орасидан билимдон кадрларни тайёрлаш масаласини тезроқ ҳал этиш лозим.

Энди иккинчи масала: қишлоқ билан шаҳар орасидаги тафовутлар хусусида. Ҳақиқатан ҳам ижтимоий масала жиҳатидан маошнинг ҳам пастроғи қишлоқда, Таъминотнинг ёмони ҳам қишлоқда. Ҳатто ичадиган сувнинг ҳам, ариқлардан оқиб келадиган кимёвий моддаларга тўла сув ҳам кўпроқ қишлоқларда. Шаҳар аҳолиси учун бир кунда 200-300 литрдача ва ҳат то ундан ҳам кўпроқ сув сарфлаш имкони берилади. Қишлоқлардаги жуда кўп жойларда эса машиналарда сув келтирилади. Маънавий соғлиқ муаммоси мавжуд. Шахсга сиғиниш даври, турғунлик даври маънавиятимизни жуда ҳам кўп касалликларга дучор қилиб қўйди. Улардан энг даҳшатлиси тарихимизни билмасликдир. Шу касалликдан қутулиш учун биз халқимиз тарихини муфассал ўрганишимиз керак. Бунинг учун тарихчи кадрларни кўплаб тайёрлаш лозим, бунга олимларнинг эътиборини қаратиш керак. Бир мисол келтирмоқчиман: партия билан халқ яқдил деймиз. Партиямизнинг бир неча йиллик тарихи бор. Халқимизнинг эса минг йиллик тарихи бор. Партиямизнинг илдизлари ҳалқдадир. Партия илдизига об-ҳаёт бериш учун интилайлик. Илдизига об-ҳаёт берилган дарахт жуда тез ривожланади ва тез мева беради. Биз халқимиз равнақини, унинг маънавий мевалари кўпроқ бўлишини истасак, унинг тарихий илдизларини авайлашимиз, унга об-ҳаёт бериб туришимиз керак.

Съезд ўз ишини давом эттирди. **(ЎзТАГ).**

А. И. ФОЗИЛБЕКОВ нутқи

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи котиби

Делегат ўртоқлар!

Жамиятда қарашларни қайтадан кўриб чиқиш, ўтмишни қайтадан тушуниш жараёни жадал, кўпинча зиддиятли бораётган ҳозирги кунда бизнинг олдимизда «Биз коммунистлар меҳнаткашларга кишилар ишонадиган, уни бажаришга отланадиган программа бера оламизми», деган масала бутун борлиғи билан туради. Партия сиёсий куч сифатида, агар у воқеалардан кейин эмас, балки олдин уларнинг бўлишини билиш ва зарур сиёсий қарорларни қабул қилишга қобилиятли бўлса, жамиятга фаол таъсир кўрсатиши мумкин.

Тошкент шаҳар партия ташкилотининг вакили бўлган делегация жумҳурият пойтахти коммунистларининг КПСС Марказий Комитетининг съездолди Дастури ва партия Устави лойиҳалари атрофида бўлиб ўтган катта кенгаш натижасида ишлаб чиқилган муҳим масалалар юзасидан қатъий позицияда туриб съездга келди. Унинг асосий якуни эскириб қолган ёндашувлар, ақидапарастлик-дан қатъий воз кечиш, аввало иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат соҳасида сезиларли амалий натижаларга эришиш талаби бўлди.

Шу муносабат билан биз Ўзбекистон Компартияси фаолиятининг муҳим вазифаларидан бири Ўзбекистон давлатчилигини мустаҳкамлаш, унинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. Бу муаммо ҳозирги кунда республика барча аҳолисини тўлақонлантирмоқда. Тошкент коммунистларининг позицияси шаҳар партия конференциясида аниқ ифода қилинди. Биз янгиланган ва фақат янгиланган федерация таркибида жумҳуриятнинг сиёсий суверенитети, унинг иқтисодий мустақиллиги тарафдоримиз.

Шу муносабат билан иттифоқ шартномасининг янги лойиҳасини ишлаб чиқишни жадаллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз. Бу шартнома миллий давлат қурилишида деформацияни бартараф этиши, Иттифоқ органлари ва жумҳуриятларнинг ваколатларини ўзаро мақбул негизда адолатли чегаралаш ва бу шартномани умумхалқ муҳокамасига қўйиш керак.

Жумҳуриятнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш масаласи юзасидан принципиал позициялар, федерацияни ҳақиқий ўзаро тенглик негизида шакллантиришга янгича ёндашувлар Компартия олдига ўз фаолият программасини ишлаб чиқиш вазифасини қўяди. Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига дастурининг партия барча бўғинларининг, жумладан жумҳуриятлар Компартияларининг мустақиллигини ошириш тўғрисидаги қоидасини қўллаб-қувватлаш зарур. Бу пировард ҳисобда жумҳурият партия ташкилотининг статусини ва унинг ҳуқуқлари, ваколатлари, мақсадларини аниқ белгилаш ва ишлаб чиқишни талаб этади. Ўзбекистон Компартияси КПССнинг ажралмас, айни вақтнинг ўзида мустақил қисми бўлиб, умуман партиянинг ҳаётий фаолиятига оид барча принципиал масалаларни ҳал қилишда анча кўпроқ ҳуқуққа эга бўлиши, КПСС Марказий Комитети билан ўзаро муносабатлар шартларини қайта кўриб чиқиши керак.

Бу партия раҳбар органларини шакллантириш принциплари тубдан ўзгартирилган шароитлардагина мумкин деб ўйлаймиз. Биз КПСС Марказий Комитети ва КРК жумҳурият партия ташкилотларининг статуси ҳисобга олиниб, шакллантирилиши керак. КПСС Марказий Комитетига тавсия этилган кишилар, бу ерда ишлашни давом эттириб ўзларини тавсия этган ташкилотлар билан ҳар қандай алоқани амалда узиб қўйган эканлар, буни нормал ҳолат деб бўладими?

Ҳозирги кунда қатор коммунистлар жумҳуриятдан ташқарида яшаш жойларига кўчиб кетдилар, бироқ улар КПСС Марказий Комитетининг сайлаб қуйиладиган органлари таркибида Ўзбекистондан сайланганлар сифатида қолмоқдалар. Бу моҳият жиҳатидан нотўғридир, ўртоқлар. Вакили юқори турадиган партия органи таркибидан чақириб олиш ҳуқуқи таъсирли восита бўлиши керак. Шу муносабат билан, афтидан Уставда сайланиб қўйиладиган органлар аъзоларининг уларга бевосита ишонч билдирганлар олдида ҳисобот бериб туриши лозимлиги масаласини анча аниқроқ кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Худди шундай тартибда жумҳуриятлар партия ҳодимларидан делегатликка тавсия этиш принципи КПСС Марказий Комитети ва КРК аппаратларини шакллантириш учун ҳам фойдаланилиши керак. Зероки, ҳозирги кунга келиб шундай ҳолат таркиб топдики, КПСС Марказий Комитетининг деярли 2 минг кишилик аппаратида Ўзбекистон вакилларини бир қўл бармоқлари билан санаш мумкин. Агар марказий вазирликлар ва идоралар аппаратлари ходимлари таркибини кўздан кечирадиган бўлсак, уларда Ўзбекистонликларни умуман учратмайсан. Бундай ёндашувни тенг ҳуқуқли деб аташ мумкин бўлмаса керак. КПСС Марказий Комитети аппарати ва шу жумладан унинг Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон сектори аппаратини олиб кўрайлик. Унинг ҳозирги таркибига ҳеч қандай даъвоим йўқ. Улар ажойиб кишилар, ҳозиржавоб ўртоқлардир. Бироқ, ўтмишга кичик бир саёҳат қилишни истардим. Сектор кадрлар сиёсати билан зўр бериб шуғулланаётганга ўхшайди, у жумҳуриятимизга марказий региондан бамисоли кадрлар корпусини «мустаҳкамлаш» мақсадида партия, совет хўжалик ходимларини юборди, кадрларнинг ўрни алмашишини эътибор билан кузатди, ҳар бир номзодни ўрганди.

Бу нуқсонлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қайғули машҳур XVI пленуми ва жумҳурият Компартиясининг XXI съездидан кейин кадрлар билан ишлашга айниқса салбий таъсир қилди. Халқ фаровонлигига бутун вужуди ва садоқат билан хизмат қилган кишилар инсонлар ёдида абадий қоладилар ва мақталадилар. Масалан халқ Билбас, Саркисов, Романовский ва бошқа кўпгина арбобларни ўз фарзандлари каби доим ёдда тутади. Лобко, Сударенков ўртоқларнинг самимийлиги, ҳалоллигини жумҳуриятимиз оддий кишиларининг меҳр-муҳаббати ва самимий ҳурматини қозонди.

Бироқ, афсуски ўзи ҳақида ёмон ном қолдирган кишиларнинг бошқа категорияси ҳам бор. Ва улар ҳақида ҳам бугун гапириш керак. Гдлян, Иванов, Дидоренко, Гайдановларнинг жиноятқорона суиистеъмолликлари ҳақида кўп гапирилди. Уларнинг фаолиятини ким рағбатлантирди ва йўналтирди? Нима учун ҳеч ким улар билан бирга Могильниченко, Бессарабов, Пономарев, Нестеренко кабиларнинг номларини айтмайди. Худди шулар КПСС Марказий Комитетининг Ўзбекистон партия ташкилотида вояга етган кадрларни асоссиз қоралаш бўйича йўлни ўйлаб топдилар ва амалга оширувчилар бўлдилар. Худди шулар тозалашнинг шафқатсиз машинасини юргизиб юбордилар, улар учун коммунистларнинг шарафи ва қадри ҳеч нарса ҳисобланмас эди. Нима учун ҳамма кишини ғазаблантирган фактлар тўғрисида лом-мим демайди. Ҳаммага маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби, жумҳуриятда ҳурмат қозонган ўртоқ Шоғазотов бюро мажлиси олдидан охирги чорани қўллашга аҳд қилди. Бу фавқулодда аҳвол эмасми? Лекин ҳозиргача ҳеч ким ундан узр сўрагани йўқ. Марказий Комитетнинг XVI пленуми қарорларини амалга ошириш пардаси остида бундай номаъқулчиликлар жуда кўп бўлди. Партия бўйича барча ўртоқларимизга нисбатан адолатни тиклаш бизнинг бурчимиздир. Улар ўша даврда асоссиз жазо олдилар ва ишдан олиндилар, партиядан ўчирилдилар.

Шундан келиб чиқиб, қуйидаги таклифни киритаман: Марказий Комитетнинг янги таркибига айрим ходимлар фаолиятининг ўша даврига сиёсий баҳо бериш ва бу ишларни қайта кўриб чиқиш юзасидан махсус комиссия тузиш топширилсин.

Секторнинг талаби билан СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советлари депутатларининг ўз ваколатларини соқит қилганликлари тўғрисидаги ҳабарлар жуда кўпайиб кетганлигини ҳаммамиз биламиз. Албатта, нолойиқ кишилар шарафли ваколатлардан маҳрум қилинсалар, бу тўғри, бироқ нима учун КПСС Марказий Комитетининг сектори ва бўлими жумҳурият билан, ўз сайловчилари билан ҳар қандай алоқани бутунлай узган, жумҳуриятдан чиқиб кетгандан сўнг бирор марта ҳам бу ерда ҳисобот бермаган Аништев, Огарок ва айрим бошқа кимсаларнинг халқ депутатлари таркибидан чақириб олиш тўғрисида ташаббус кўрсатмайдилар, деган савол туғилади.

Улар ҳозирги кунда кимнинг вакиллари? Мантиққа зид вазият вужудга келади. Аништев ўзининг қадрдон, ўзини тарбиялаган Воронеж вилоятидан РСФСР депутатлари таркибига сайланмади. Айни вақтда унда Ўзбекистон ССРдан халқ депутати бўлиб туриш учун виждон етади, балки етмас ҳам. Еки жумҳуриятимиз халқ хўжалигини бошқарушнинг янги бош схемаси мудҳиш хом хаёл лойиҳасининг автори Валентин Иванович Огарокни олиб кўрайлик. Ҳозир у ССР Иттифоқи Давлат план комитети раисининг ўринбосари бўлиб ишламоқда. Агар у бозор иқтисодиётига ўтиш лойиҳасининг авторлари сафида бўлса, мен ажабланмайман. Уларни халқ депутатлари сафидан эзулик билан чақириб олиш зарур деб ҳисоблайман ва бу ерда қатнашаётган В. Н. Лобко ҳамда Н. И. Семенов ўртоқлардан бу ишда ёрдам беришни сўраймиз.

Мен бу КПСС Марказий Комитети раҳбарлиги, сиёсий бюро бизнинг жумҳуриятимиз партия ташкилотидан ажралиб қолганлиги оқибатидагина мумкин бўлди, деб ҳисоблайман. Буни очиқ айтиш керак. Шу беш йил ичида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, унинг ташқи сиёсий муаммолар бўйича

Келажагимиз—мактабда

ҲАММА БИРДЕК БОШ ҚЎШСИН

⊙ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мурожаатномаси жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Ўзаро суҳбат ва мулоқотларда бу муҳим ҳужжатнинг жумҳуриятимизда мактаб ислоҳотини қайта қуришда алоҳида аҳамият касб этиши мамнуният билан эътироф этилмоқда. Мурожаатномада айтилганидек, «Жумҳуриятимизнинг миллий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиёти бевосита мактабга боғлиқ». Шундай экан, бундай мўътабар илм масканларига ҳамиша жиддий эътибор бериш зарур.

ҲОЗИРГАЧА ўқув системасини такомиллаштиришнинг етилган муаммоларига бефарқлик билан қараш оғир оқибатларга олиб келди. Ёшларни тарбиялаш ва уларни эртанги кунимизнинг муносиб ворислари этиб етиштиришни издан чиқарди. Кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш, ҳаётимизнинг ҳамма соҳасида учраб турган қийинчиликларга барҳам бериш осон иш эмас. Келажак авлодни тарбиялашга ҳозирдан жонкуярлик билан ёндашилмас экан, бу муҳим ишнинг уддасидан чиқиш мушкуллигича қолаверади.

Ўқув-тарбия ишларини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишни мактабимиз ўқитувчилари жамоаси ўзининг ҳаракат мезонига айлантирган. Шу боисдан ҳам бу борадаги ишлар, ўзининг яхши натижасини бермоқда. Таълим-тарбия тобора шаклланиб боряпти. Ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириши яхшиланмоқда. Бунда албатта дарс ўтишнинг илғор усуларидан кенг фойдаланаётганлигимизнинг ҳам ўрни бор.

Мактабимизда жамоат ташкилотлари ва ота-оналар билан яқин алоқа кенг йўлга қўйилган. Ўқувчиларнинг ота-оналари билан йилнинг маълум ойларида тез-тез учрашувлар ўтказиб турамиз. Бу учрашувга жамоат ташкилотлари вакилларини таклиф этамиз. Ана шу тарзда ишимизга тўғаноқ бўлаётган муаммолар ҳал этиб борилмоқда. Ўқувчиларнинг тўғри шаклланиши, ҳар томонлама баркамол кишилар бўлиб етишиши биргина мактаб ўқитувчиларининг ўзларига боғлиқ эмас. Тарбияни ҳамма ерда, уйда ҳам, кўчада ҳам, жамоат жойларида ҳам бирдек олиб бориш керак. Ахир донишларимиз «Бир фарзандга — етти қўшни ота-она», деб бекорга айтишмаган-ку! Лекин кейинги вақтда бу доно нақл ўзининг қадр-қимматини анча йўқотиб қўйди. Ўқувчининг юриш-туриши, дарсларни ўзлаштириши, бошқалар билан қандай муносабатда бўлиши фақат мактабга боғлиқ деган нотўғри қараш юзага келди. Тўғри ҳар бир муаллим ва ўқитувчи ўз ўқувчисининг яхши ўқишини, фанларни чуқур ўзлаштиришини ва жамоат ишларида фаол бўлишини жуда-жуда истайди. Аммо ўқувчининг мактабдан ташқарида ўтадиган умри-чи? Олти соатлик дарсдан кейин ўқувчи-ёшларни қаерда, қандай юмушлар билан машғул бўлишини ҳатто уларнинг ота-оналари ҳам билишмайди.

Бола тарбияси — муҳим иш. У оилада ҳам, мактабда ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Шундай экан, ота-онанинг бир-бирига муносабати доимо яхши бўлиши зарур. Ўқувчиларимиз орасида турли пайтда турлича ҳолатларга дуч келамиз. Бу — оилада ота ёки онанинг ўрни қай даражада эканлигини аниқлаб олишга ёрдам беради. Ота-оналар тенг ҳуқуқли бўлган оилаларда бола тарбияси ҳар доим ҳам яхши бўлади. Тарбияда отанинг таъсир кучи юқори бўлиб, онанинг роли унчалик сезилмаса, фарзанднинг яхши камол топишига кафолат бериб бўлмайди. Фарзандларига она таъсири кучли бўлган оилалар ҳам кам эмас. Айниқса, ёлғиз аёлларга қийин. Улар отасиз фарзанд тарбиялашнинг заҳматларини кўп чекишади.

Ўқитувчи — инсон руҳининг инженери. У 30-40 ўқувчини бир хонада олти соатлаб ўқитади. Ўзига хос олам бўлган ҳар бир ўқувчига эртаю кеч бирдек муносабатда бўлади. Қалбига йўл топишга ҳаракат қилади. Ёшларнинг фанларни яхши ўзлаштиришларида ўқитувчидаги юқори малака билан биргаликда ўқув анжомлари ва кўргазмали воситаларнинг ҳам роли катта. Улардан қанча кенг фойдаланиб борилса, ўқувчиларнинг тушунчаси шунчалик бойийди. Ҳар бир дарс ёшларда яхши таассурот қолдиради. Аммо кейинги вақтда фанларнинг кўплигидан ўқувчиларнинг толиқиб қолаётгани, дарсларни ўзлаштиришда катта қийинчиликлар келтириб чиқараётгани маълум бўлиб қолди. Шундай экан ўқув режаларини қайта кўриб чиқиш ва баъзи фанларни қисқартириш ҳисобига таълим-тарбияни янада такомиллаштиришга эришиш керак. Биз жумҳурият халқ таълими нозирлигининг олдиндан белгиланган режаларига асосан иш кўрамиз. Ўйлаймизки, нозирлик бу таклифларимизни инобатга олади ва муаммоларни ҳал этишда бизга ёрдам беради. Яна бир гап. Одоб-ахлоқ ҳақидаги алоҳида фанни мактаб дарсликларига киритиш фурсати етди. Бу билан ён-атрофимизда содир бўлаётган ҳар хил кўнгилсиз воқеаларни, жиноятларнинг олдини олишга йўл очган бўлардик. Негаки, аксарият ҳолларда жиноятни ёшлар, мактаб ўқувчилари содир этишмоқда.

Келажагимиз — мактабда. Мактаб ислоҳотини амалга оширишга ҳамма бирдек бош қўшиши зарур. Мурожаатни тўла маъқуллаймиз. Унга асосан биз келгусида қиладиган режаларимизни белгилаб олишга, ишимизни янада такомиллаштиришга киришдик. Негаки, илгарилаб бораётган ҳаёт оқими биздан янада яхшироқ ишлашни, куч-ғайратларимизни умумишларга сарфлашни тақозо этмоқда. Мурожаатномада ҳаққоний равишда таъкидлаб ўтилганидек, «Жумҳуриятда халқ маорифини бошқаришнинг янги ташкилотлари таркиб топмоқда. Улар халқ таълими соҳасида ягона давлат соҳасини қатъий амалга оширувчилар бўлмоқлари, узлуксиз таълимнинг илғор усулларини яратиш борасида куч-ғайрат билан ишлашлари, Ўзбекистондаги тажрибали ва илғор ўқитувчилар, тарбиячиларнинг янги-янги изланишларини қўллаб-қувватлашлари зарур».

Дилбар ВАЛИЕВА,
Собир Раҳимов районидаги 196-мактаб директори.

Маъмура АБДУСАМАТОВА,
шу мактабнинг катта ўқитувчиси.

Санъатнинг сеҳрли олами

НАВО ҚАНОТИДАГИ ПАРВОЗ

⊙ Ҳурматли муҳарририят! Мен анчадан буён таниқли хонанда Ҳалимжон Жўраев мухлисиман. Унинг дилрабо қўшиқларини севиб тинглайман. Илтимос, у ҳақда маълумот берсангиз.

Ҳурмат билан: И. ҒИЁСОВ,
ҳайдовчи.

У ЁШЛИГИДАНОҚ соз санъатига ҳавас қўйди, айниқса найга қизиқди. Акаси Ражаббой унча-мунча куйларни машқ қилиб турарди. Мактабдан келиши биланоқ токчада турган найни олардида чалишга астойдил киришарди. Радиодан таниқли созандалар Саиджон Калонов, Аюб Қодировлар ижро этган куйларни бутун вужуди билан тинглар, ўз навбатида бу наволар унинг қалбини бутунлай ром этиб, санъатнинг сеҳрли оламига етакларди.

Чустнинг сўлим Варзик қишлоғида ўрта мактабни муваффақиятли тугаллаган Ҳалимжон ҳаётини санъат билан боғлашга аҳд қилди. У Тошкентдаги Ҳамза номли музика билим юртида ўқиди. 1958 йили мазкур илм даргоҳида халқ чолғу асбоблари оркестри факультетининг най классини аъло баҳолар билан тамомлаб, «Баҳор» давлат рақс ансамблида созанда сифатида меҳнат фаолиятини бошлади. Кўп ўтмай мустақил ишга таклиф қилинди: «Меҳнат резервлари» ҳаваскорлик тўгарагида мусиқа раҳбари бўлди.

1961 йил. Най чалишда тинмай изланаётган Ҳалимжон Жўраев жумҳурият радиоси қошидаги халқ чолғу асбоблари оркестрига ишга таклиф этилади. Мана шу қутлуғ даргоҳда ундаги истеъдоднинг ноёб қирралари намоён бўла бошлади. Дони Зокиров, Саиджон Калонов, Комилжон Жабборов, Фахриддин Содиқов, Ғанижон Тошматов сингари мумтоз санъаткорлар билан ишлаш, улар яратган катта мактабда сабоқ олишдек бахтга муяссар бўлди. Устозлардан «Ёввойи чоргоҳ», «Хайр энди», «Субҳидам», «Чўли ирок», «Чаман ялла», «Фарғонача» каби халқ куйларини маромига етказиб чалиш сир-синоатларини ўрганди. Ишдан ажралмаган ҳолда Тошкент Давлат консерваториясида таҳсил кўрди.

Сўнгги йилларда Ҳалимжон Жўраев нафақат созанда, балки бастакор сифатида ҳам мусиқа ихлосмандлари ҳурматини қозона борди. Унинг ижодига назар ташлар эканмиз, оркестр учун ёзилган поэма—рапсодияси, «Олтин япроқ», «Чаманга ўзинг бошла», «Қизларимиз довруғи», «Қуёшли элим», ансамбль учун тайёрланган «Пахта ғазали», «Кечмас», «Тошкентим», «Ҳаёл», «Ўртанур», «Замонамни куйлайман», «Мен сизни кутдим» ва шу каби қатор теран асарлари борлигининг гувоҳи бўламиз.

Ҳалимжон Жўраев барчага маълум ва машҳур бўлиб кетган санъат дурдонаси — «Ўртар» қўшиғига куй басталаган ижодкор. Яна шу нарса диққатга сазоворки, Ҳалимжон Жўраев профессионал хонанда сифатида ҳам ўз овозига эга. Илк бор «Кулишган қизларга» қўшиғи билан танилган санъаткор кейинчалик репертуаридан ўрин олган «Ҳайрон айладинг», «Бир умр», «Ўхшамас», «Боғларим», «Гилос», «Бу кўнгил» сингари ўттиздан зиёд ранг-баранг ашулалари билан ташна дилларга ором бахш этиб келмоқда. У ўз қўшиқларида ўлкамиз гўзаллигини, бободеҳқон меҳнати ва жасоратини, ҳосилдор далалар ва боғ-роғлар тароватини, севган-севишганлар бахтини, бахтиёрлигини мадҳ этади.



Ҳалимжон Жўраев Ўзбекистондан ташқарида ҳам ўз санъатини намойиш этган ижодкорлардан. 1962 йили ёшлар ва талабаларнинг Хельсинкида бўлиб ўтган VIII фестивалида созанда сифатида қатнашди. 1973 йили Сурия Араб Республикасига ташриф буюрган санъаткорларимиз сафида бўлиб, ансамблга раҳбарлик қилди. Болгарияда ўтказилган Ўзбекистон санъати кунларида шуҳрат қозонди. Ватанимиз пойтахти Москвада, қардош Белоруссия, Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон жумҳуриятларида бир неча бор бўлиб, дўстлик учрашувлари доирасидаги концертларда фаол қатнашди.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг Дони Зокиров номидаги халқ чолғу асбоблари оркестрининг созандаси Ҳалимжон Жўраев ҳаётида қувончли воқеа юз берди. У «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвонига сазовор бўлди. Бу—эл ҳурматини қозонган созанда, бастакор, хонанда меҳнатига, маҳоратига берилган юксак баҳодир.

Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ.

Янгилик! Хабарингиз борми?

УЙДА БОЛАЛАР БОҒЧАСИ



⊙ Бугунги кунда шаҳримизда 655 та болалар боғчаси бўлиб, унда 170 минг кичкинтой тарбияланмоқда. Бу йил шундай болалар масканидан 11 таси ишга туширилиб, у 4600 ўринга эга бўлади.



Хўш, бу билан ҳозир районлардаги халқ таълими бўлимларида фарзандларини болалар боғчасига жойлаштириш учун навбат кутиб турган 15 минг ҳамшаҳримизнинг истаклари қондириладими? Албатта йўқ. Шунинг учун ҳам жумҳуриятимиз пойтахтида камазликлар ташаббуси асосида уйда болалар боғчасини очишга қарор қилинди.

Ана шундай боғчалардан биринчиси Куйбишев районидаги 1 Май кўчасида очилди. Киров районидаги 15-мавзенинг 31-уйида, Акмал Икромов районидаги Болтаев проезди 1 ва Шароф кўчасидаги 5-уйларда...

Бу — уйда болалар боғчаси очишдаги биринчи «қалдирғоч қадамлар» бўлиб ҳадемай Акмал Икромов районида ана шундай масканлардан яна учтаси очилади. Киров районидаги 18-мавзеда 2 та, Ҳамза районидаги 10 та хонадонда ана шундай қулай боғчалар очиш мўлжалланмоқда. Шаҳримизнинг бошқа районларида ҳам бу борада қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Уйдаги болалар боғчасида кичкинтойлар учун ойига қанча ҳақ тўлаш, уларни овқатлантириш ва тарбияси билан кимлар шуғулланиши кўпчиликни қизиқтиради, албатта. Ана шундай саволлар билан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Т. А. Акромовага мурожаат қилдик:

— Уйдаги болалар боғчасида 3 ёшдан 5 ёшгача бўлган етти кичкинтой тарбияланади, — дейди Тоиба Акромовна. — Ҳар бир кичкинтойга ҳақ тўлаш эса ҳозирги болалар боғчасидек бўлади. Овқатлантириш масаласига келсак, тушки овқат болалар боғчасидан қайноқ ҳолда келтирилади. Кичкинтойлар саломатлигидан шифокорлар пайидан бўлиб туришади. Тарбияси билан мактабгача бўлган тарбия муассасаларининг билим юртини битирганлар шуғулланишади. Республикамиз ҳукумати томонидан шаҳримиз учун ана шу мақсадларга 62 минг 500 сўм ажратилди. Биз бу маблағ билан шундай 5 минг ўринли болалар боғчасини таъминлашимиз мумкин.

Уйдаги болалар боғчасига жойлашган кичкинтойлар билан яқиндан танишиш мақсадида жумҳуриятимиз пойтахтида биринчилардан бўлиб ташаббусга қўшилган Моҳира Орифжонова хонадонига ташриф буюрамиз. Биз ичкарига кирганимизда Нозима Муҳамедова, Абдуазиз Муҳамедов, Шукурулло Тўрақулов, Дилфуза Икромова ва бошқалар тушлик овқатни қилиб, энди дам олишга отланиб туришган экан. Кичкинтойлар учун мўлжалланган ухлаш хонасига кирамиз. Сокинлик, чиройли қилиб тахланган чойшаблар ва қатор қўйилган еттита каравотлар болаларнинг ухлаши учун мўлжалланган.

— Болалар ўзларини қандай ҳис қилишяпти? — деб сўраймиз Моҳирахондан.

— Ҳозирча ёмон эмас. Ҳали янги жой бўлганлиги учун унча кўникишмаган кўринишади.

Моҳира мактабгача бўлган болалар муассасалари билим юртининг талабаси, анча тажрибага эга. Шунинг учун бўлса керак, у кичкинтойлар билан бирпасда тиллашиб кетди.

Раъно Солиҳовна Иброҳимова хонадонида ташкил этилган болалар боғчаси сўлим манзараси, тоза ҳавоси билан бизни лол қолдирди. Кичкинтойларнинг ўйнашлари ва ухлашлари учун мўлжалланган бири-биридан чиройли ва тартибли бўлган хоналар бу уйда қўли гул оила аъзолари яшашлигидан далолат бериб турар эди. Раъно Солиҳовнанинг катта фарзандлари шифокор, мабодо бирор бола касал бўлиб қолса, унга тезда ёрдам кўрсатиш мумкин. Раъно опанинг ўзи эса 6 фарзандни вояга етказиб, 10 йиллаб болалар боғчасида ишлаб, кўплаб болаларни вояга етказганлиги бизда бу хонадонга нисбатан ҳавас уйғотди.

— Ҳар бир уйда болалар боғчасини ташкил қилишда биз педагогик мутахассисликка эга бўлган ёки мактабгача бўлган болалар муассасалари билим юртини тамомлаган оилалар бўлишига катта эътибор бермоқдамиз, — дейди Акмал Икромов район халқ таълими бўлимининг мудири Йўлдош Эргашевич Эргашев. — Бундай болалар боғчасини очиш районимизда бир неча йилдан бери навбатда турган ота-оналар учун катта ғамхўрлик бўлди. Ҳозир бизда 4850 ота-онанинг аризаси навбат кутиб турибди.

Бугунги кунда шаҳар бошқармаси ва район маориф бўлимига уйларда болалар боғчасини очиш истагини билдирган ҳамшаҳарларимиз телефонда қўнғироқ қилиб туришибди. Бошқарма ва район хизматчилари уларга боғчаларнинг филиалларини очишда тезда ёрдам қўлини чўзмоқдалар.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

⊙ СУРАТЛАРДА: Юнусобод даҳасидаги 15-мавзеда Ольга Васильевна Малофий уйида очилган болалар боғчаси.

Р. Шарипов суратлари.

Советлар мамлакатида

⊙ ЛЬВОВ. Львов вилоят партия қўмитасининг марксизм-ленинизм университети негизида политехника фанлари икки йиллик институти очилди. Коммунистлар билан бирга турли жамоат тузилмаларининг аъзолари ҳам унинг тингловчилари бўлишлари мумкин. Ҳозирги давр ижтимоий-сиёсий оқимлари, бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш шартлари билан танишув, қайта қуриш илгари сураётган бошқа масалаларни ўрганиш институт режасидан жой олган. Сиёсий маориф уйи аҳоли кенг доираларн манфаатини кўзлаб ижтимоий-сиёсий марказга айлантирилди.

⊙ ТОЛЬЯТТИ. (Куйбишев вилояти). «Тольяттиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси тайёрлаётган карбонат кислотани кутилмаганда сотиш имконияти пайдо бўлди. Маҳаллий боғбонлар агар қулупнай газли сув билан суғорилса, унинг ҳосилдорлиги бир ярим баравар ошишини сезиб қолдилар. Газли сув билан суғорилган гуллар ҳам икки баравар тезроқ ўсиб, бунинг устига хушбўйроқ бўлиб қолар экан. Тольяттиликлар бу усулнинг кашшофлари эмас. Даниядаги «Данфосс» фирмаси картошка, қанд лавлаги ва озуқа лавлагини суғоришда карбонат кислота билан тўйинтирилган сувдан фойдаланиб, ўртача 8 фоиз кўпроқ ҳосил олаяпти. Нордонлаштирилган сув айниқса ишқорли тупроқда яхши самара беради. Суғориш учун ҳар бир литр сувга 0,31—0,5 грамм карбонат кислота қўшилади. (ТАСС).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

12, 20, 27 ИЮНЬ СОАТ 19.30 ДА

премьера

ҲАЙДАР МУҲАММАД асари

«ХОТИНЛАР «ГАП»ИДАН ЧИҚҚАН ҲАНГОМА»

(икки пардали ҳазил)

Саҳналаштирувчи режиссёр — МАРАТ АЗИМОВ.

Рассом — МАРАТ СОХИБГАРЕЕВ.

РОЛЛАРДА ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артистлари, СССР Давлат мукофотининг лауреатлари: Е. АҲМЕДОВ, С. ТАБИБУЛЛАЕВ;

Ўзбекистон ССР халқ артистлари, Ҳамза мукофотининг лауреатлари: И. БОЛТАЕВА, Т. КАРИМОВ;

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Р. ИБРОҲИМОВА, Я. АБДУЛЛАЕВА, Э. МАЛИКБОЕВА, Ш. АЗИЗОВА, Т. ХОНТЎРАЕВ;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист С. УМАРОВ;

Артистлар: Г. ИБРОҲИМБЕКОВА, М. ШОЖАЛИЛОВА, Ш. ИСМОИЛОВА, Л. ҚУЛАБДУЛЛАЕВА, М. БОБОТУЛЛАЕВА, С. ЮНУСОВА, Ш. СОДИҚОВА, Ф. ЖАЛОЛОВ, П. НОСИРОВ, Ж. ЗОКИРОВ, А. МАҲМУДОВ, Б. МУҲАММАДКАРИМОВ, Б. МУҲАММАДЖОНОВ, Р. КАРИМОВ, С. ҒАФФОРОВ, Ғ. ҲОЖИЕВ ва бошқалар.

ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Янги Сергели кўчасидаги ўртача босимли газ қувурида кесиш ишлари ўтказилиши муносабати билан 6 июнь соат 13.00 дан 17.00 гача Сергели даҳасидаги турар жой мавзеларига газ бериш тўхтатилади. Ана шу вақтда газ асбобларини туташувчи устун жўмрагини ва газ асбобларининг ўзидаги жўмракларини бураб беркитиб қўйишни УНУТМАНГ!

Газ бериш бошланганда **ҲУШЁР БЎЛИНГ!**

Рўзғорингизда яратилган ноқулайликлар учун Сизлардан узр сўраймиз.

«Ташгаз» бошқармаси.

КУЙ ШАЙДОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Ташкультторг»нинг иккита магазинида **6, 8 июнь кунлари**

Тошкент грампластинкалар заводида тайёрланган грампластинкаларнинг **САВДО-КЎРГАЗМАСИ БЎЛАДИ!**

Сиз ёқтирган куйлар ва ижрочилар Сизларга мунтазир!

Магазинлар маскани:

1/1-«Диск» магазини — К. Маркс кўчаси (соат 10 дан 19 гача ишлайди, танаффус соат 14 дан 15 гача);

9/2-магазин — Олой бозори (соат 9 дан 19 гача ишлайди, танаффус соат 14 дан 15 гача).

«Ташкультторг»

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ

«САЙЁҲ-ИНТУР» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда

ТИЖОРАТ МАКТАБИГА ҚАБУЛ ЎТКАЗМОҚДА

Ўқиш пулли. 100 соатли программа бўйича дарсларни СССР Ташқи ишлар Вазирлигининг Москва Давлат Халқаро алоқалар институти ва СССР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг Бутуниттифоқ ташқи савдо академияси профессор-ўқитувчилари олиб боради.

ҚУЙИДАГИ МАСАЛАЛАР ЎРГАНИЛАДИ:

ҳозирги шароитларда ташқи иқтисодий алоқаларни бошқаришнинг таркибий тузилиши;

ҳозирги босқичда ташқи иқтисодий алоқаларни ташкил этиш ва бошқариш;

ташқи иқтисодий фаолиятни ҳуқуқий бошқариш;

ташқи иқтисодий муаммоларнинг ташкил этилиши ва техникаси;

халқаро ҳисоб-китоблар ва ташқи савдони қарз билан таъминлаш;

ташқи иқтисодий алоқа ташкилотларининг хўжалик фаолиятини ҳисоб-китоб қилиш ва таҳлили;

маркетинг;

акцияли жамиятлар;

транспорт таъминоти;

бошқарувнинг ижтимоий-руҳий жиҳатлари;

дипломатик баённома, одоб-ахлоқ;

хорижий саёҳатчиларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш.

Тингловчилар методик қўлланмалар билан таъминланади. Мактабни битирганларидан сўнг тингловчиларга белгиланган намунадаги гувоҳномалар берилади.

Машғулотлар 1990 йил 20 июндан бошланади.

Бизнинг маконимиз: 700017, Тошкент шаҳри, Ленин шоҳ кўчаси, 15. Телефон 34-62-64.

Хўжалик ҳисобидаги «Сайёҳ-интур» Ўзбекистон республика бирлашмаси.

ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИДА

«МОСФИЛЬМ» киностудиясида суратга олинган

ЯНГИ

«Авария—хитнинг қизи»

БАДИИЙ ФИЛЬМИ НАМОЙИШ ҚИЛИНМОҚДА

Сценарий муаллифи — Ю. КОРОТКОВ.

Режиссёр — М. ТУМАНИШВИЛИ.

Ролларда — О. АБУЗОВА, В. ИЛЬИН, Б. РОМАНОВ ва бошқалар.

Ўткир сюжетли психологик драма қаҳрамонлари милиция ходими ва унинг «йўлдан озган» ўн олти ёшли «металлист» қизидир.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ИДОРАСИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Тошкент шаҳар, Фрунзе районидаги 20-кечки ўрта мактаб томонидан **Саткенова Мавлуда Эргашевна** номига берилган 940916 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Ҳамза районидаги 213-ўрта мактаб томонидан **Мухитдинов Зуҳриддин Магрупович** номига берилган 280358 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Фарғона область, Қувасой шаҳар 2-ўрта мактаб томонидан **Мирзаева Озода Абдураҳмоновна** номига берилган 563082 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Фрунзе районидаги 118-ўрта мактаб томонидан **Рахматов Шарифхон Муратхонович** номига берилган 730518 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 53-ишчи-ёшлар мактаби томонидан **Турсунов Маҳаммаджон Туробович** номига берилган 611908 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



⊙ **КЎЗГА НУР БАХШИДА ЭТУВЧИЛАР.** Жумҳурият кўз касалликларн клиник шифохонасининг (чапдан) олий даражали шифокори, тиббиёт фанларн номзоди Гулжамила Комилова ҳамда биринчи даражали шифокор Светлана Алимовалар махсус аппаратда кўз хасталигини текшириб кўришмоқда. Х. Мирзакаримов сурати.

ГАВАНАЛИК ШИФОКОРЛАР ТОШКЕНТДА

Гаванадаги Франк Пане номли ортопедия госпиталида ишлайдиган кубалик врачлар Афғонистондаги урушда ярадор бўлган ва майиб бўлиб қолган байналмилалчи жангчиларимизга ёрдам бериш учун Тошкентга келдилар. Улар Боровский номидаги округ госпиталида уч кун давомида «афғон» ногиронларини қабул қилдилар. Госпиталь ўқув қисмининг директори кўпни кўрган Луис Мейтес ва унинг ҳамкасби Хесусу Ларе йигитлар чекаётган азобни кўргач, ўзларини тута олмай қолдилар. Кўпгина «афғонлар» протезларда зўрға ҳаракат қилиб, сўнгги умид билан бу ерга келганликлари врачларни лоқайд қолдира олмас эди. Кубаликлар шошилинч ортопедия ёрдамига муҳтож бўлган йигитларни даволаш учун ўз госпиталларига таклиф қилдилар.

Бу тадбир Куба республикаси билан СССР ўртасида афғон уруши ветеранларига ёрдам бериш тўғрисида тузилган битим доирасида ўтказилмоқда. Совет тинчликни ҳимоя қилиш комитети ва Куба тинчлик кенгаши бу битимни амалга оширишни ўз зиммаларига олдилар.

Йигитлар протезларни ечиб қўйиб, оёқ қолдиқларини очиб кўрсатганларида уларнинг юзларида акс этган ночорликни кўриш юракларни эзиб юборди. Улар кўзингизга тик боқолмай, врачлар кўлларидан келганини қилишди дейишганида, уларнинг мунгли овозини эшитсангиз эди.

Григорий Чапчиков Афғонистондан бундан тўққиз йил аввал умуртқасида кучли оғриқ билан келган эди. Унн радикулит касаллигидан даволадилар, кейин бошқа диагноз қўйдилар, лекин йигитнинг аҳволи енгиллашгани йўқ.

Еш, ташқи кўринишдан соғлом бу йигит ҳар йили неча марталаб касалхонага ётади. 1985 йилда Эрмуҳаммад Тожибоевнинг оёғи тагида мина портлаган. Бир оёғи кесиб ташланган, иккинчиси бомба парчаси билан яраланган. Юриш чоғида оғриққа чидай олмайди, протезларни ҳар ярим йилда янгилайди. Бу йигитлар кубалик ортопедларнинг тавсиясига мувофиқ даволаниш учун Гаванага борадиган 50 кишининг атиги иккитасидир. Жароҳатига кўра уларнинг шифохонаси йўналишига мос бўлмаган йигитларга ҳам кубаликлар бирор ёрдам қилишга уринадилар. Мутахассислар бу йигитлар тўғрисида Куба соғлиқни сақлаш вазирлигига илтимос билан мурожаат қилдилар.

Ўтган йили, битим имзолангунга қадар Кубадаги энг йирик тиббий ва илмий марказ ҳисобланган Гавана ортопедия госпиталига даволаниш учун 30 нафар «афғон» жангчиларимиз борган эдилар. Бу эзгу ишни давом эттиришга аҳд қилинди. Битимга мувофиқ госпиталда йигитларимиз учун 108 кишига мақсус палаталар ажратилди. Бу йил шифохона 500 га яқин «афғон»ларни қабул қилади. Собиқ жангчиларни даволаш харажатларини Куба тинчлик кенгаши, байналмилалчи жангчиларнинг йўл харажатларини совет тинчликни ҳимоя қилиш комитети ўз зиммасига олади.

Бу мард йигитлар бизга ёқиб қолишди, уларнинг қисматини енгиллаштиришни истаймиз, — дейди Луис Флейтес. — Тошкент биз келган еттинчи шаҳар, бундан олдин Минск ва Кишиневда, Одесса ва Николаев, Винница ва Киевда бўлдик. Ортопедия ёрдамига биринчи навбатда муҳтож бўлган 200 га яқин йигитни ўз шифохонамизга таклиф қилдик. Олтой области ва Москва областидан 14 йигит бизда даволаниб, уйларига қайтиб келишди. Бу йигитларга фақат тиббий ёрдамгина эмас, маънавий мадад ҳам керак. Шу сабабли уларни иложи борича қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламиз. Кўпгина «афғонлар» Анголада байналмилал бурчини бажариб қайтган кубаликлар билан дўстлашиб кетдилар. Улар госпиталга тез-тез келиб йигитларнинг ҳолидан хабар олиб турадилар, дам олиш кунлари биргалашиб Гавана бўйлаб сайёҳатга чиқадилар.

Одамларнинг эзгу орзу-умидлари камаймаганлигини, меҳр-мурувват сўнмаганлигини, ҳатто океан ортидан бизга ёрдам қўлини чўзаётганликларини кўриб қувонмай бўладими, лекин шунисн ачинарлики, кубаликлар аслини олганда совет врачлари йўл қўйган хатоларни, улар қилган операцияларнинг оқибатларини тугатадилар. Шундай олижаноб мақсад билан мамлакатимизга келиб Совет Иттифоқининг ярмини кезиб чиққан шифокорларга Тошкентда қандай муносабатда бўлганликларини кўриб ҳайрон қоласан, киши. Мутахассислар собиқ байналмилалчи жангчиларни қаерда қабул қилиш масаласини ҳал этиш уч кунгача чўзилиб кетди.

— Биз округ госпиталида ногиронларни қабул қилишга мутахассисларимизга рухсат беришни сўраб округ тиббий хизмат бошлиғи И. М. Чижга мурожаат қилдик, деди Ўзбекистон тинчликни ҳимоя қилиш комитети раисининг ўринбосари Ю. К. Юсувалиев Ўз ТАГ мухбирига. — У илтимосимизни рад этди, бундай қилиш мумкин эмас, кубаликларнинг ёрдами билан 50 нафар ногиронниинг соғайиб кетиши мени ташвишга солмайди, деб жавоб қилди. Масала ҳарбий кенгаш аъзоси, округ снёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-лейтенант А. И. Захаровга мурожаат қилганимиздан кейингина ҳал бўлди. Телевидение кубаликлар ёрдамини суратга олмоқчи бўлди, яна тиббий хизмат бошлиғининг рухсати зарур бўлиб қолди. И. М. Чиж яна «Ахборот» вакилларининг илтимосини рад этди, госпиталь... махфий объект деб баҳона қилди. Рухсат олиш учун Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари генерал-лейтенант Г. Г. Кондратьевга мурожаат қилишга тўғри келди.

Яхшиямки-улар эзгу ишни деб эски бюрократня, аҳмоқона тақиқлаб қўйиш деворини ағдариб ташлашга қодир бўлган бегараз кишилардир. Аммо бу ғалабалар биз учун жуда қимматга тушмаяптими?

Бу—қизиқ

Ғор тимсоҳлари

⊙ МАДАГАСКАРНИНГ Анкаратр тоғларида дунёда ягона — ер остида яшовчи тимсоҳларнинг қароргоҳи топилди. Судралиб юрувчилар тоғ массивини кесиб ўтган дарё бўйида тарқалган. Сувнинг ҳарорати мўътадил бўлиб, 25—27 даража. Юқорида оқиб ўтувчи дарё сувлари совуқроқ. Тимсоҳлар шу туфайли ҳам «ер ости ҳокимияти»га кўчиб ўтишган бўлиши мумкин.

Афсунгарлар илтифоти

⊙ ИНДОНЕЗИЯНИНГ 176 миллионлик аҳолисининг ярмидан кўпи кундалик турмушда ёрдам сўраб анъанавий афсунгар-дукунларга югурадилар. Афсунгарлар мамлакатнинг замонавий тараққиёт етиб бормаган қишлоқларидагина эмас, ҳатто пойтахт Жакартада ҳам оммалашган. Уларга ҳомиладорлик ва туғилишнинг муваффақиятли ўтиши, хасталикдан фориғ бўлиш, йўқолган нарсани топиш, ўғрини фош этиш... ҳатто... жосусни қўлга олиш каби ўнлаб важлар билан мурожаат этадилар. Дукундан кўпинча хизматдаги ёки савдо рақобатидаги душманни «зарарсизлантириш»ни сўрайдилар, бунда бошқаси ўз томонидан ҳимоячини қўяди. Икки ўртада ҳақиқий «афсунгарлар жанги» бошланиб, бири «сеҳру жоду», бошласа, иккинчиси уларни «йўқ қилишга» бор маҳоратини сарфлайди..

Одатда ҳокимият «шаффоф афсунгарлик»ка ихтисослашган дукунларга нисбатан хайрихоҳ. Ҳаттоки Соғлиқни сақлаш вазирлиги Суваржоно Сурьянингратнинг қайд этишича, афсунгарлар «мамлакат тараққиётига муҳим ҳисса қўшмоқдалар».

Фозилжон ОРИПОВ тайёрлаган.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Маданият Вазирлиги

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ АКАДЕМИК КАТТА ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИ ҚОШИДАГИ

ЎЗБЕК ХОРЕОГРАФИЯ БИЛИМ ЮРТИ

1990-1991 ўқув йили учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Хореография билим юрти опера ва балет театрлари, музикали комедия театрлари, эстрада ва халқ рақси ансамбллари учун балет артистлари ва раққосалар тайёрлайди.

Билим юртига ўғил ва қиз болалар қуйидаги асосда қабул қилинади:

КЛАССИК РАҚС БЎЛИМИГА, 3-синфни битираётган 10-11 ёшлилар, ўқиш муддати — 8 йил:

МИЛЛИЙ РАҚС БЎЛИМИГА, 6-синфни битираётган 13-14 ёшлилар, ўқиш муддати — 5 йил: (ўқиш ўзбек тилида).

Кирувчиларнинг ота-оналари номидан директор номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: мактабдаги мазкур синфни битирганлиги ҳақида справка, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, 3х4 см. ҳажмдаги 5 дона фотосурат, тиббий карта (мактабдан), ота-онасининг иш жойидан справка, турар жойидан справка, мактабдан характеристика.

Хореография билим юртига аризалар 15 июнгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонларн — 5 июндан 15 июнгача ўтказилади.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Билим юрти манзили: Тошкент шаҳри, Педагогика кўчаси, 31-уй. Телефонлар: 56-05-28, 56-33-27, 56-24-36.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш вазирлиги базасидаги

14-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990—1991 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Электр-газ пайвандчилар; кенг профилдаги станокчилар; слесарь-сантехник, газ пайвандчилар; технологик қурилмалар ва металл конструкциялари монтажи бўйича слесарь-монтажчилар; автомобиллар ремонти бўйича слесарлар; электр-газ пайвандчилар ихтисоси билан бирга «В» ва «С» категориядаги автомобиль ҳайдовчилар.

ЎҚИШГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ 9-11 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 10 ой ва 3 йил.

3 йил муддат билан ўқиётган ўқувчилар тўла давлат таъминотида бўладилар, улар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тугатганларга ўрта маълумот тўғрисида ва касб эгаллаганлиги ҳақида диплом ҳамда мутахассислик даражаси (разряди) берилади.

10 синф маълумотига эга бўлган ўқувчиларга ойига 30—76 сўмгача стипендия тўланади.

Ишлаб-чиқариш тажрибаси (практикаси) даврида ҳамма ўқувчиларга иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга кириш имкониятига эгадирлар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАН ЎҚУВЧИЛАР ЎЗБЕКИСТОН ССР МОНТАЖ ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ТРЕСТЛАРИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.



МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: Директор номига ариза; туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт; маълумоти ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси); яшаш жойидан справка; медицина справкаси; 6 дона фотосурат (3х4 см).

Бизнинг манзилгоҳимиз: 700073, Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Оқдарё кўчаси, 122-уй. (12, 52, 68, 111, 183-автобуслар; 5, 26-трамвайларнинг «Ёг-мой комбинати» бекати; 26, 161-автобусларнинг «Жамила» дўкони бекати). Қабул комиссияси. Телефон: 91-33-94.

ЭЛЕКТРОНИКА—МЎЪЖИЗА ЭМАС, ЗАМОНАМИЗНИНГ ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ...

Ҳозирги ҳаётимизни электрон асбобларсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳамма соҳада, ишлаб чиқариш корхоналарида ва кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган жиҳозларда электрон асбоблари бизга ҳамроҳдир.

57-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

радиоэлектроника корхоналари ва радиоэлектрон асбобларни тузатувчи устахоналар учун қуйидаги касблар бўйича

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ:

кичик жадвалларни йиғувчи, фотолитография оператори, диффузион мосламалар оператори, радиоэлектрон жиҳозларни созловчи, радиоэлектрон жиҳозларни йиғувчи, ярим ўтказгич дастгоҳларни созловчи, радиотелевизион жиҳозларни тузатувчилар.

Ўқиш муддати: 9-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 3 йил, 11-синф маълумотига эга бўлганлар учун —1 йил, Совет Армияси сафида 2 йиллик хизмат бурчини ўтаб келганлар учун — 6 ой.

Билим юртининг кечки бўлимида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда газ-электр-пайвандчи касби бўйича 6 ойлик курс ташкил қилинган.

Маконимиз: Тошкент шаҳар, Киров райони. Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 9-уй (телефон 21-10-79), 67э, 9, 167-автобусларнинг «8-АТП»; 8, 82, 83-автобусларнинг «5-кўп ихтисосли болалар касалхонаси» бекатлари.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти вазирлиги

ТОШКЕНТ СИРТҚИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛ ТЕХНИКУМИ

1990-1991 ўқув йили учун

КЕЧКИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА

10-11 синфни тамомлаганлар учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Техникум қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди:

1504 — автомобиллар ва двигателларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш (кечки ва сиртқи бўлимларга).

2401 — автомобиль транспортида ҳаракатни бошқариш ва ташишни ташкил қилиш (кечки ва сиртқи бўлимларга).

0101 — Халқ хўжалиги тармоқларини режалаштириш ва иқтисоди (сиртқи бўлимга).

0102 — Бухгалтер ҳисоби, хўжалик фаолияти назорати ва таҳлили (сиртқи бўлимга).

Ўқиш муддати 2 йилу 7 ойдан, 3 йилу 6 ойгача.

Техникумга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

Она тили ва адабиёт (иншо), математика (оғзаки).

Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Сиртқи бўлимга 10 августгача.

Кечки бўлимга 5 июндан 15 сентябргача аризалар қабул қилинади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта мактабни тамомлаганлик ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси), 5 дона фотосурат, (3х4 см., бош кийимсиз), соғлиғи ҳақида справка (086/У форма), меҳнат дафтарчасидан кўчирма, ҳарбий билет, паспорт шахсан кўрсатилади.

Кириш имтиҳонлари сиртқи бўлимга 10 июндан 20 августгача, кечки бўлимга 5 июндан 20 сентябргача.

Қолган маълумотларни олиш учун қабул комиссиясига мурожаат қилиш мумкин.

Техникумнинг манзили: 700096, Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Байнал Минал кўчаси, 53-уй.

Телефонлар: 78-23-34, 78-95-91. (11, 4, 9-трамвайлар; 2, 12-троллейбусларнинг «Оқтепа» бекати).

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси

В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ

С. И. Кадишев номидаги 33-авиация ҳунар-техника билим юрти

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Учувчи аппаратларни йиғувчи слесарь, механика-йиғув ишлари слесари, учувчи аппаратлар деталларини тайёрлаш ва парчинлаб иш бажариш бўйича слесарь, кенг профилдаги станокчи, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, фрезерчи, электр-газ пайвандчи.

ЎҚИШГА 8 ВА 10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА ШАҲАР АТРОФИДА ЯШАБ ТУРУВЧИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

10-синфни тамомлаган ўқувчилар, шунингдек Совет Армияси сафларидан истеъфога бўшатилган ёшлар учун ўқиш муддати — 6—10 ой. Ўқувчиларга ойига 65 сўм стипендия тўланади. 8 синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 1—3 йил. Улар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тамомлагандан сўнг талабаларга ўрта маълумот ҳақидаги диплом ва касб бўйича тегишли малака оширгани ҳақидаги ҳужжат берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга стипендия сақланган ҳолда ишлаб топган ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Билим юртидаги ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

ЎҚИШ — ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юрти ҳарбий-спорт базасига эга. Вокаль-чолғу ансамбли, Авиамодель тўгараги, миллий чолғу асбоблари ансамбли, сурат чизиш студияси, духовой оркестр, дельтопланда парвоз этиш, компьютер техникаси тўгараклари ишлаб турибди. Билим юртида Ёшлар техника ижодиёти лабораторияси ишлаб турибди. Бу ерда ўқувчиларга бажарган иши учун 100 фоиз меҳнат ҳақи тўланади.

Билим юртини тамомлаб чиққанлар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юбориладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганларга эса олий ўқув юртларининг кундузги ва кечки бўлимларига, шунингдек барча олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун йўлланмалар берилади.

Билим юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, 8-синфни тамомлаганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, туғилгани ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкаси (0/86 форма), 6 дона фотосурат (3х4 ва 4х5 см).



МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 103, 106, 119, 171-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. И. Кадишев номидаги билим юрти» бекати).

Телефонлар: 96-58-20, 96-47-70, 96-39-72.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

1-пойабзал фабрикасига:
фрезерчилар, қирқувчилар, бичувчилар, ёғ сурковчилар, пойабзал-бошлиғи ва тағчарми йиғувчилар, тортувчилар, пойабзални колодкадан туширувчилар.

Суғориш водопроводини тузатиш ва сақлаш бўйича ихтисослашган бошқармага:
электрчи омилкор-уста, электр пайвандчилар, газ пайвандчилар тузатувчи-чиланғарлар, сантехниклар, электрчилар.

159-қурилиш трестининг 10-қурилиш бошқармасига:
ғишт терувчилар, пайвандчилар, дурадгорлар, бетончилар, монтажчилар.

Тошкент «Шарқ гули» ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасига:
занжир-кашта тикувчилар ва машинада кашта тикувчилар.

Тошкент алоқа политехникумига:
маъмурий-хўжалик қисми муҳандиси, лаборатория ва устахоналарнинг мудирлари, тўгарак раҳбарлари, архивчи.

Сартарошлик хизматлари комбинатига:
фаррошлар.

Тошкент пиво заводига:
совутиш ва компрессор қурилмаларининг машинистлари, пиво тайёрловчилар, майдаловчилар, барча ихтисосдаги қурувчилар, қуйиш тармоқлари машинистлари.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг капитал қурилиш Бош бошқармасига;
электрчи-муҳандислар, қурувчилар, техника назорати бўлими бошлиғи, машинистка.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги район ишга жойлаштириш бўлимларига мурожаат қилинсин:

ФРУНЗЕ РАЙОНИ — Шота Руставели кўчаси, 87-уй.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 6/VI да **Дунёнинг яратилиши** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 6/VI да **Гул ва Наврўз**, 7/VI да **Мансаб шайдоси.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/VI да **Зиёфат**, 7/VIда **Отасининг қизи** (19.00).

КИНО

6 ИЮНДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (тоқ соатларда ва 20.45 да).

Нукус — «ФИДОЙИ» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (тоқ соатларда).

Москва — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (20.40), «ЕНГИЛМАС ОЕҚ» (тоқ соатларда ва 19.00 да).

Дружба — «ФИДОЙИ» (ҳар соатда).

К. Ёрматов номли — «ЗИТА ВА ГИТА» (18.30, 20.00).

Восток — «ГУ-ГА» (18.30, 20.45).

Фестиваль (ёзги) — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (20.45).

7 ИЮНДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (тоқ соатларда ва 20.45 да).

Нукус — «ФИДОЙИ» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (тоқ соатларда).

Москва — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (11, 13, 15, 17, 20.40); «ЕНГИЛМАС ОЕҚ» (тоқ соатларда ва 19.00 да); «ҲОКИМЛИК СОЯСИ» (19.00).

Дружба — «ФИДОЙИ» (ҳар соатда)

К. Ёрматов номли — «ЗИТА ВА ГИТА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.00).

Восток — «ГУ-ГА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Фестиваль — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (20.45).

ТОШКЕНТ ЖУМҲУРИЯТ ОТЧОПАРИ

ўйин автоматларини келишилган нархларда

СОТАДИ

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 156-алоқа бўлими, Халқлар дўстлиги — шоҳ кўчаси (17-трамвайнинг сўнгги бекати, автомобилга ёнилғи қуйиш станцияси ёнида).

Тошкент шаҳар, 29-ишчи ёшлар кечки мактаби томонидан **Алимходжаев Зоир Юлдашевич** номига берилган А 628384 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент область Янгиобод район Красногорск посёлкасидаги 4-ўрта мактаб томонидан **Азимов Раҳим Рахматович** номига берилган 187500 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ҚҚАССР Амударё районидаги 51-ўрта мактаб томонидан **Матчанова Ширин Эримматовна** номига берилган 296458 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Хоразм область Гурлан шаҳридаги Киров номли 1-ўрта мактаб томонидан **Ускинова Сайёра Юлдашевна** номига берилган 813855 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Декор-5» кооперативининг йўқолган

ДУМАЛОҚ МУҲРИ ВА ШТАМПИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Жумҳурият модалар ассортименти маркази қошидаги «Чарос» кооператив касфесининг йўқолган

ДУМАЛОҚ МУҲРИ ВА БУРЧАКЛИ ШТАМПИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Қуйбишев район ижроия комитети ҳузуридаги кўп ихтисосли «Солярис» марказининг йўқолган

МУҲРИ ВА БУРЧАКЛИ ШТАМПИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Агроконструктор» ишлаб чиқариш кооперативининг йўқолган

ДУМАЛОҚ МУҲРИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Узградострой» ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмаси механизация бошқармасининг шаҳодатномалар учун берилган йўқолган МУҲРИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

140.390 нусхада чоп этилади. **Индекс 64690. Д—2201. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.**
Р. — 04591.